ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ

А.ИМОМОВ

MAPLE 9.5 ДА МАТЕМАТИК МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



НАМАНГАН – 2011

Мундарижа

Куч билим ва адолатда.

Амир Темур

Ким ахборотга эгалик қилса,
у дунёга эгалик қилади.
Билл Гейтс

С Ў З   Б О Ш И

Ушбу ўқув қўлланма математик масалаларни Maple математик дастури-системаси ёрдамида ечишга бағишланган ва олий ўқув юртларининг 5480100-«Амалий математика ва информатика», 5460100 «Математика», 5521900 «Информатика ва ахборотлар технологияси», 5140900 «Касб таълими» йўналишлари хамда 5A480103 «Амалий математика ва ахборотлар технологияси» мутахассисликлари учун мўлжалланган. Ҳозирги пайтда Maple дастури ёрдамида элементар ва олий математиканинг деярли барча масалаларини ечиш мумкин.

Китобда ушбу дарсликларга монанд иш олиб борилган:

1. Манзон Б.М. Maple V Power Edition. М.: Филинъ, 1998.
2. Савотченко С.Е., Кузьмичева Т.Г**.** Методы решения математических задач в *Maple*: Учебное пособие – Белгород: Изд. Белаудит, 2001.–116с.
3. Голоскоков Д.П. Уравнение математической физики. Учебник для вузов с применением системы Maple. –СПб.: Питер, 2004.
4. Monagan M.B.Maple 7 programming guide . Maplesoft, a division of Waterloo Maple Inc. 2001.
5. B. W. Char. Maple Learning Guide. Maplesoft, a division of Waterloo Maple Inc. 2003
6. Сдвижков О.А**.** Математика на компьютере: Maple 8.- М.: СОЛОН-Пресс, 2003.-176 с.

Биринчи,иккинчи, учинчи, олтинчи китобларда **Maple** нинг содда тушунтиришларидан тортиб, математиканинг турли соҳаларига қўлланилишлари берилган**.** Тўртинчи, бешинчи китобларда эса **Maple** нинг математика физик тенгламаларини ечишга доир жуда кенг тадбиқлари берилган.

Тақризчилар: ф.-м. фанлари номзоди, проффессор Ибрагимов Р.,
техника фанлари номзоди, доцент Маҳмудов З.

Ўқув қўлланма НамДУ Амалий математика ва АТ кафедрасининг 26.09.20011 даги мажлисида кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган, пр.№1.

Ўқув қўлланма НамДУ ўқув физика-математика факультетининг илмий кенгашининг 28.09.2011 даги мажлисида кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган, пр.№1.

Ўқув қўлланма НамДУ ўқув услубий бўлимининг ___________ даги мажлисида кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган, пр.№1.

Кириш. Maple-студентпарвар дастурий тизим.

Maple-бу компьютерда аналитик ва сонли ҳисоблашларни бажарувчи, 2000 дан кўпроқ командаларни ўз ичига олган ва алгебра, геометрия, математик анализ, дифференциал тенгламалар, дискрет математика, физика, статистика, математик физика масалаларини дастур тузмасдан ечиш имкониятини берувчи математик тизим (система)-пакетдир. Айтиш мумкинки, Maple бу юқорида санаб ўтилган соҳалардиги математик масалаларни ечиб берувчи катта калькулятордир. Maple такомиллашиб бормоқда, ҳозир унинг Maple 9.5, Maple 11-версиялари кенг тарқалган.

Maple-символли ва сонли ҳисоблашларни тез ва эффектив бажариш учун мўлжалланган ҳамда электрон хужжатларни тайёрлаш ва график визуаллаштириш, интерактив воситаларига эга бўлган компьютер математикасининг етакчи тизимларидан биридир. Maple тизимидан жахондаги 300дан ортиқ энг катта университетларда ўқув жараёнида фойдаланилмоқда ва мураккаб физик жараёнларни, тизимларни ва қурилмаларни моделлашда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда фақат ҳисобга олинган, ушбу тизимдан фойдаланувчиларнинг сони 1млн дан ортиқ.

Maple ядросидан Mathematika, MATLAB, Mathcad ва бошқа тизимлар символли ҳисобларни амалга оширишда фойдаланмоқдалар. Maple тизимини Канаданинг Waterloo Maple Inc фирмаси яратган ва у узоқ давом этган ривожланиш ва синовдан ўтиш даврини босиб ўтган. Албатта, Maple тизими ҳали жуда қудратли эмас, у айрим соҳаларда бошқалар каби оқсамоқда.

Ўзининг жиддий математик ҳисобларга йўналтирилганлигига қарамасдан Maple тизими студентлар, ўқитувчиар, аспирантлар, илмий ходимлар ва шунингдек мактаб ўқувчилари учун ҳам зарурдир. Maple тизими математикани ўрганишда интерактив восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Maple тизимининг интерактив имкониятлари Tools>Assistants, Tools>Tutors менюсида жойлашган. Унинг Calculus>Single-Variable, Calculus>Multi-Variable, Calculus>Linear Algebra бўлимлари борки, улар ёрдамида бир ўзгарувчили, кўп ўзгарувчили функциялар, дифференциал тенглама, чизиқли алгебрага оид кўпгина масалаларни интерактив усулда талабаларга ўргатиш мумкин. Жумладан, ҳосилани геометрик маъноси ёрдамида тушунтириш мумкин: функция, нуқта берилади, компьютер кесувчи ўтказади, унинг лимит ҳолати уринма бўлади. Ёки, аниқ интегрални интеграл йиғиндининг лимити сифатида аниқлашда функцияни танлаш, нуқталар сони ва уларни турли хил усулларини танлаш, оммабоп тақрибий усуллардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Команда берилгач интеграл йиғиндининг қиймати ва интегралнинг аниқ қаймати келиб чиқади. Компьютерсиз бу ишни фақат чизиқли функциялар учун бажариш мумкин холос. Қанчалик фойдали ва қулай имконият. Шунинг учун, **Maple-студентпарвар дастурий тизим.**

Фикримизнинг тасдиғи сифатида иккита мисол кўрсатимиз:

1) Аниқ интегрални Риман йиғиндисининг лимити сифатида аниқлаш
>Calculus>Single-Variable>Approximate Integration; (меню орқали команда бериш)



2) Maple да тескари матрицани этапма этап топиш:

> MatrixInverse(C); (этапларни кўрсатамиз, бу команда)

$$\left[\begin{array}{ccc|ccc} 3 & 1 & 1 & 1 & 0 & 0 \\ 1 & 3 & 1 & 0 & 1 & 0 \\ 1 & 1 & 3 & 0 & 0 & 1 \end{array}\right] \quad \left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & 0 & 0 \\ 1 & 3 & 1 & 0 & 1 & 0 \\ 1 & 1 & 3 & 0 & 0 & 1 \end{array}\right] \quad \left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & 0 & 0 \\ 0 & \frac{8}{3} & \frac{2}{3} & \frac{-1}{3} & 1 & 0 \\ 1 & 1 & 3 & 0 & 0 & 1 \end{array}\right]$$

$$\left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & 0 & 0 \\ 0 & \frac{8}{3} & \frac{2}{3} & \frac{-1}{3} & 1 & 0 \\ 0 & \frac{2}{3} & \frac{8}{3} & \frac{-1}{3} & 0 & 1 \end{array}\right] \quad \left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & \frac{1}{3} & 0 & 0 \\ 0 & 1 & \frac{1}{4} & \frac{-1}{8} & \frac{3}{8} & 0 \\ 0 & \frac{2}{3} & \frac{8}{3} & \frac{-1}{3} & 0 & 1 \end{array}\right] \quad \left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & 0 & \frac{1}{4} & \frac{3}{8} & \frac{-1}{8} & 0 \\ 0 & 1 & \frac{1}{4} & \frac{-1}{8} & \frac{3}{8} & 0 \\ 0 & 0 & \frac{5}{2} & \frac{-1}{4} & \frac{-1}{4} & 1 \end{array}\right]$$

$$\left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & 0 & \frac{1}{4} & \frac{3}{8} & \frac{-1}{8} & 0 \\ 0 & 1 & \frac{1}{4} & \frac{-1}{8} & \frac{3}{8} & 0 \\ 0 & 0 & 1 & \frac{-1}{10} & \frac{-1}{10} & \frac{2}{5} \end{array}\right] \quad \left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & 0 & \frac{1}{4} & \frac{3}{8} & \frac{-1}{8} & 0 \\ 0 & 1 & \frac{1}{4} & \frac{-1}{8} & \frac{3}{8} & 0 \\ 0 & 0 & 1 & \frac{-1}{10} & \frac{-1}{10} & \frac{2}{5} \end{array}\right] \quad \left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & 0 & 0 & \frac{2}{5} & \frac{-1}{10} & \frac{-1}{10} \\ 0 & 1 & \frac{1}{4} & \frac{-1}{8} & \frac{3}{8} & 0 \\ 0 & 0 & 1 & \frac{-1}{10} & \frac{-1}{10} & \frac{2}{5} \end{array}\right]$$

$$\left[\begin{array}{ccc|ccc} 1 & 0 & 0 & \frac{2}{5} & \frac{-1}{10} & \frac{-1}{10} \\ 0 & 1 & 0 & \frac{-1}{10} & \frac{2}{5} & \frac{-1}{10} \\ 0 & 0 & 1 & \frac{-1}{10} & \frac{-1}{10} & \frac{2}{5} \end{array}\right]$$

I.Maple да элементар математика масалаларини ечиш

§1.1.Maple ойнасининг тузилиши.

Maple компьютерга ўрнатилгандан сўнг, уни стандарт 2 йўл билан ишга тушириш мумкин: 1) Windows ОТ нинг бош менюси орқали ёки 2) Иш столида яратилган ёрлиқ орқали. Биз Maple 9.5 версия билан ишлаймиз. Maple ойнаси Windows ОТ нинг стандарт ойнасига ўхшаш бўлиб, ойнанинг номи сатри, меню сатри, қуроллар панели, ишчи майдон, ҳолат сатри, линейка ва ўгириш лифтларидан иборат:

Асосий меню пунктлари:
File(Файл)- файллар билан ишлайдиган стандарт командалар, масалан, файлни сақлаш, очиш, янгисини яратиш ва ҳоказо, тўпламидан иборат.
Edit(Правка)- файлларни таҳрирловчи стандарт командалар, масалан, нусхалаш, ажратилган матн қисмини буферга олиш, командани бекор қилиш ва ҳоказо, тўпламидан иборат.
View (Вид)- ойнани кўринишини ўзгартирувчи стандарт командалар тўпламидан иборат.
Insert (Вставка)- ойнага матнли, командали майдонлар, графикларни қўйиш учун мўлжалланган командалар тўпламидан иборат.
Format (Формат)- ҳужжатни безаш учун ишлатиладиган командалар тўпламидан иборат.
Options (Параметры)- маълумотни экоанга киритиш ва чиқариш билан боғлиқ командалар тўпламидан иборат.
Windows (Окно)- бир ишчи ойнадан иккинчи ишчи ойнага ўтиш учун мўлжалланган командалар тўпламидан иборат.
Help (Справка)- Maple ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олади.

Maple да ишлаш мулоқат (сессия) тарзида олиб борилади: фойдаланувчи Maple га экранда **команда** билан мурожаат қилади, Maple уни қайта ишлаб экранда командадан кейинги сатрга **жавоб** қайтаради (қуйидаги расмга қаранг). Шунга асоасн, ишчи майдон шартли равишда уч қисмга бўлинади:

1)Киритиш (команда) майдони-командалардан иборат. Командалар >command(p1,p2,…); (ёки :) кўринишга эга, қизил рангли, чапга текисланган;

2)Чиқариш (жавоб) майдони- Maple нинг киритилган командага жавобидан иборат бўлиб, аналитик ифода, сонли қиймат, тўплам, график объект, хатолик ҳақидаги хабардан иборат бўлиши мумкин ва кўк рангда. Жавоб командадан кейинги сатрга чиқарилади, марказга текисланган бўлади;

3)матн (коментария) майдони- фойдаланувчи томонидан киритиладиган ихтиёрий матндан иборат ва у маълумотни қайта ишлашга таъсир этмайди, ва унинг моҳиятини тушунтириш учун ишлатилади, ва **қора** рангли.

Матн ва команда майдонига ўтиш қуроллар панелидаги (ёки Insert (Вставка) менюсидаги уларга мос командалар орқали) T [> тугмаларни босиш орқали бажарилади.



Топширик 1.1.

1. Maple ни ишга туширинг.
2. Maple ишга тушгандан сўнг биринчи сатр команда сатри бўлади. Уни матн майдонига айлантиринг. Бу сатрда “Амалий иш №1” деб мавзу номини киритинг. Enter тугмасини босиб янги сатрга ўтинг ва “Бажарди НамДУ ФМ факультети 305 гурух талабаси студент Олимов Зафар” деб ёзинг. Enter тугмасини босиб янги сатрга ўтинг
3. “Қабул қилди доц. А.Имомов” деб ёзинг ва Enter тугмасини босиб янги сатрга ўтинг.
4. Хосил бўлган файлни диск, флешкада сақланг. Бунинг учун File>Save as командасини бериб файлга : Фамилия_AT_1 деб ном бериб сақлаб қўйинг. Enter тугмасини босиб янги сатрга ўтинг.
5. Кейинги сатрда “Амалий топшириқ AT_1 файли Фамилия_AT_1” ном билан сақланган деб ёзинг. (Ўйлаб кўринг бу нимага керак).
6. Кейинги сатрларда бу топшириқдан сўнг командалар ва уларнинг натижалари ёзилади.

§1.2.Maple сонлар ва арифметик амаллар

Асосий математик ўзгармаслар ва арифметик амаллар.

Асосий математик ўзгармаслар қуйидагилардир: Pi- бу π сони, I-мавҳум бирлик i, infinity-∞, Gamma –Эйлер ўзгармаси, false-ёлғон, true-рост. Арифметик амаллар белгилари: +-қўшиш, -айириш, *-кўпайтириш, /-бўлиш, ^-даражага кўтариш, !-факториал. Солиштириш белгилари: <,>,>=,<=,<>,= (кичик, катта, катта ва тенг, кичик ва тенг, тенг эмас, тенг).

Бутун, рационал ва комплекс сонлар.

Maple да сонлар табиий равишда математикадаги каби бутун (integer), рационал, ҳақиқий (real) ва комплекс (complex) бўлиши мумкин. Уларнинг маънолари бир хил, фақат ёзилиш қоидаларига аниқ итоат қилиш керак. Рационал сонлар уч хил кўринишда тасвирланади: 1)оддий каср кўринишидаги рационал сон, масалан: 28/70; 2)ўнли каср кўринишидаги (float) рационал сон: 2.3457; 3)даража кўришишидаги рационал сон, масалан, $1{,}602*10^{-19}$ сон 1.602*10^(-19) кўринишда ёзилади.

Рационал сонни тақрибий ўнли каср кўринишда олиш учун бирор бутун сонни ўнли нуқта билан ноль сонини қўшиб ёзиш керак.

Шартли келишув: Maple да жавоб ,юқорида кўрганимиздек, командадан кейинги сатрда кўрсатилади. Компакт ёзиш учун жавобни биз команда ёнида \\ белгидан кейин кўрсатамиз, масалан, >a+b; \\ a+b .

Команда сатри Жавоб сатри	>1.2+3.4; 3.6
Команда сатри Жавоб сатри	>Sin(Pi/6); ½
Келишувга асосан	>sin(Pi/6.0); \\ 0.500000000

Maple да грек алфавитидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун сатрда грек ҳарфининг номи ёзилади, катта ҳарфларни ёзиш учун грек ҳарфининг номида бош ҳарф катта қилиб ёзилди керак.Масалан,

α -alpha	β -beta	γ -gamma	δ -delta
ε-epsilon	ζ-zeta	η-eta	θ-teta
ι-ita	κ-kappa	K-Kappa	λ-lambda
μ-mu	ν-nu	ξ-xi	ο-omikron
π-pi	ρ-rho	Σ-Sigma	σ-sigma
τ-tau	υ-uosilon	φ-phi	χ-chi
ψ-psi	ω-omega	Γ-Gamma	Ω-Omega

Грек ҳарфларини ёзиш учун экранда махсус меню мавжуд.

Топширик №1.2.

Тест ечишга мисоллар келтирамиз.

1. Hisoblang $\sqrt{23-8\sqrt{7}}+\sqrt{23+8\sqrt{7}}$ (м: 96-6-28) .Ж-р: A)7 B)6 C)8 D)9

```
> a:=sqrt(23-8*sqrt(7))+sqrt(23+8*sqrt(7));\\c=8
```

2. Hisoblang $(\sqrt{3+2\sqrt{2}}+\sqrt{3-2\sqrt{2}}+\sqrt{2})/4\sqrt{2}$ (м:V-07) Ж-р: A)0.5 B) $\frac{\sqrt{2}}{4}$ C)0.75 D) $\frac{\sqrt{2}}{2}$

```
>b:=(sqrt(3+2*sqrt(2))+sqrt(3-2*sqrt(2))+sqrt(2))/(4*sqrt(2));\\0.75
```

§1.3. Командаларнинг кўриниши ва уларни бажартириш усуллари.

Mapleда командалар номли ва номсиз бўлади. Номли команда қуйидагича бўлади: >command(p1,p2,…); ёки >command(p1,p2,…): , яъни команда номдан ва қавслар ичида параметрлардан иборат ва икки нуқта ёки нуқта вергуль билан тугалланади. Команда арифметик ифода бўлсагина унинг махсус номи бўлмайди. Агар команда нуқта вергуль (;) билан тугалланса унинг натижаси экранга чиқарилади, икки нуқта (:) билан тугалланса команда бажарилади натижаси экранга чиқарилмайди.

Командалар икки хил усул билан бажартирилиши мумкин:

1-усул-тўғри усул. Команда терилади; ёки : ёзилади ва Enter босилади.

2-усул-смарт усул. Ифода терилади ва ; қўйилиб Enter босилади, жавоб устида сичқонча ўнг тугмаси босилиб ифода контекст менюсидан керакли команда танланади. (Қандай ажойиб имконият!).

Процент % символи олдинги команда натижасини чақириш учун ишлатилади ва командалар ёзишни қисқартириш учун ишлатилади, масалан, >1+2: >%+3; \\ 6

Ўзгарувчига қиймат бериш учун := ишлатилади.

Maple ишга тушгач оператив хотирада унинг бирорта ҳам командаси бўлмайди, улар ишлаш давомида оператив хотирага чақириладилар. Командалар оператив хотирага чақирилишига қараб уч турга бўлинади. 1) Maple ишга тушгач автоматик равишда ишга тушириладиганлар, 2) readlib(command) командаси орқали чақириладиганлар, 3) махсус пакетлар (package) дан чақирилувчи командалар. Package пакетга тегишли барча командаларни чақириш >with(package) командаси ёрдамида, пакетга тегишли бирор command дани чақириш эса >package[command](options) командаси ёрдамида амалга оширилади, бу ерда ва бундан кейин options сўзи команданинг параметларини билдиради. Пакетларга мисол сифатида linalg-чизиқли алгебра масалаларини ечиш, geometri-планиметрия масалаларини ечиш, geom3d-стереометрия масадаларини ечиш, student-студентларга масалаларни интерактив (мулоқат) тарзида аналитик кўринишда қадам ба қадам оралиқ натижаларни намойиш қилган ҳолда ечиш имкониятларини берувчи пакетларни келтириш мумкин.

Стандарт функциялар.

Maple да стандарт функцияларнинг айримларини рўйхатини келтирамиз:

N	функция	Maple да	N	функция	Maple да
1	e^x	exp(x)	12	cosecx	cosec(x)
2	lnx	ln(x)	13	arcsinx	arcsin(x)
3	lgx	lg10(x)	14	arccosx	arcos(x)
4	$\log_a x$	log[a](x)	15	arctgx	arctg(x)
5	$\sqrt{x}$	sqrt(x)	16	arcctgx	arcctg(x)
6	$\lvert x\rvert$	abs(x)	17	shx	sh(x)
7	sinx	sin(x)	18	chx	ch(x)
8	cosx	cos(x)	19	thx	th(x)
9	tgx	tg(x)	20	cthx	cth(x)
10	ctgx	ctg(x)	21	$\delta(x)$-Дирак функцияси	Dirac(x)
11	secx	sec(x)	22	$\theta(x)$-Хевисайд функцияси	Heaviside(x)

Maple га жуда катта миқдорда махсус функциялар ҳам киритилган. Улар Бессель, Эйлернинг бета-, гамма-функциялари, хатоликлар интеграли, эллиптик интеграллар, ҳар хил ортогонал кўпҳадлар ва ҳоказо. Эйлер сони e=2.718281828…. exp(x) орқали қуйидагича ҳисобланади: exp(1).

Топширик №1.3.

1. Матнли режимда Амалий топширик №2 деб ёзинг.

2. $a=\cos(\frac{12\pi}{8}(\log_2 0.25+\log_{0.25} 2))$ ни ҳисобланг.\\(т.10-2-58;ж:0;1;-1;0.5;-0.5)

Командани 1-тўғри усул билан бажарамиз:

```
> a:=cos(12*Pi*(log[2](0.25)+log[0.25](2))/5);\\a:=1.
```

3. $\sin^4(\frac{\pi}{8})+\cos^4(\frac{3\pi}{8})+\sin^4(\frac{5\pi}{8})+\cos^4(\frac{7\pi}{8})$ ифодани ҳисобланг.

Командани смарт усул (ўнгдаги жадвал контекст меню)билан бажарамиз:

```
>b:=(sin(Pi/8))^2+(cos(3*Pi/8))^2+(sin(5*Pi/8))^2+(cos(7*Pi/8))^2;
```

$$b := \sin\left(\frac{1}{8}\pi\right)^2+\cos\left(\frac{3}{8}\pi\right)^2+\sin\left(\frac{3}{8}\pi\right)^2+\cos\left(\frac{1}{8}\pi\right)^2$$




```
> R3 := evalf[5]( sin(1/8*Pi)^2+cos(3/8*Pi)^2
+sin(3/8*Pi)^2+cos(1/8*Pi)^2 );                    \\R3:=2.0000
```

Командани тўғри усул билан текшириб кўрамиз:

```
>  simplify(b);                                   \\2
```

§1.4. Математик ифодаларни шаклини алмаштириш. Тестлар ечиш.

Айрим кўп учрайдиган командалар ва уларга доир мисоллар келтирамиз.

	Команда	Маъноси	Параметрланинг маъноси
1	expand(eq)	Қавсларни очиб ёйиш	eq-ифода
2	factor(eq)	Кўпҳадни кўпайтувчиларга ажратиш	
3	normal(eq)	Касрни нормал кўринишга келтириш	
4	collect(eq, var)	Ўхшаш ҳадларни ихчамлаш	var-ўзгарувчи
5	simplify(eq {,option})	Ифодаларни соддалаштириш	option-параметр
6	combine(eq, param)	Даражаларни бирлаштириш ёки тригонометрик ифодаларни даражаларини пасайтириш	param=trig, param=power,
7	radnormal(eq)	Илдиз, даражали ифодаларни соддалаштириш	
8	convert(eq,param)	Ифода param типли ифодага алмаштирилади	param- тип параметр param=sincos, param=tan, param=vector, param=string, param=termin
9	subs(g(x)=t, f)	f(x) да g(x)=t деб ўзгарувчини алмаштириш	

Топширик 1.4.

1. Қавсларни очиб ёйиш.

```
>eq:=(x+1)*(x-1)*(x^2-x+1)*( x^2+x+1);  \\eq := a^5+a^4-2*a^3-2*a^2+a+1
>expand(eq);                             \\x^6-1
```

2. Кўпҳадни кўпайтувчиларга ажратиш (99-10-7)

```
> p:=a^5+a^4-2*a^3-2*a^2+a+1;    \\
>p:=factor(a^5+a^4-2*a^3-2*a^2+a+1);\\
```
$p := (a - 1)^2 \ (a + 1)^3$

3. Касрни нормал кўринишга келтириш (96-3-74)

```
> q:=(x^3+2*x^2+x)/(x+1)^2;      \\
```
$q := (x^3 + 2x^2 + x)/(x+1)^2$
```
> normal(%);                      \\ x
```

4. Ифодаларни соддалаштириш

```
> simplify((a^3-b^3)/(a^2+a*b+b^2));          \\a-b
> expand((a+b)*(a^2-a*b+b^2));                 \\
```
$a^3 + b^3$
```
> normal(y/x+1/x^2);                           \\
```
$(yx+1)/x^2$
```
> collect(x^2+3*x^2+4*x+4*x+y,x);              \\
```
$4x^3 + 8x + y$
```
> simplify(2*a/sqrt(a^2),assume(a<0));         \\-2
> combine((x^(1/2))*x^(3/2));                  \\
```
$4x^3$

5. Иррационал ифодаларни рационаллаштириб соддалаштириш

```
> f:=((sqrt(x)+1)/(x*sqrt(x)+x+sqrt(x)))*(x^2-sqrt(x));
```

$$f := \frac{(\sqrt{x} + 1)\,(x^2 - \sqrt{x})}{x^{(3/2)} + x + \sqrt{x}}$$

```
> g:=subs(sqrt(x)=a,x^2=a^4,x^(3/2)=a^3,x=a^2,f);
```

$$g := \frac{(a\sim + 1)\,(a\sim^4 - a\sim)}{a\sim^3 + a\sim^2 + a\sim}$$

```
> R2 := simplify( (a+1)*(a^4-a)/(a^3+a^2+a), 'assume=real' );
```

$$R2 := a\sim^2 - 1$$

Олдинги ўзгарувчига қайтиб x-1 жавобни оламиз.

6. Тригонометрик ифодаларни соддалаштириш

```
> simplify(cos(x)^2+sin(x)^2);                \\1
> expand(cos(x+y));                 \\cos(x)cos(y)-sin(x)sin(y)
> expand(cos(2*x));                 \\ 2cos^2(x)-1
> expand(sin(2*x));                 \\ 2sin(x)cos(x)
> combine(4*cos(x)^3);              \\ cos(3x)+3cos(x)
> combine(8*sin(x)^4);              \\ 3+cos(4x)-4cos(2x)
> expand(cos(5*x));                 \\ 16cos^5(x)-20cos^3(x)+5cos(x)
```

$>$combine(4*sin(x)^3,trig); \\-sin(3x)+3sin(x)

7. Илдиз, даражали ифодаларни соддалаштириш

```
> a:=sqrt(3+sqrt(3)+(10+6*sqrt(3))^(1/3)):
> a1:=radnormal(a);\\a1:=1+√3
8.>b:=(m^2-(2+m^4)/(m^2-1))/((m^2+2)/(m-1)):
> b1:=simplify(b);\\b1:=-1/(m+1).
9.> c:=(a^(3/2)-b^(3/2))/(a^(1/2)-b^(1/2))-(a^(3/2)+b^(3/2))/(a^(1/2)+b^(1/2));
```

$$c := \frac{a^{(3/2)} - b^{(3/2)}}{\sqrt{a} - \sqrt{b}} - \frac{a^{(3/2)} + b^{(3/2)}}{\sqrt{a} + \sqrt{b}}$$

```
> c1:=simplify(c);                          \\c1:=2√a√b
> a:=8*sqrt(2):b:=4*sqrt(2):
> c1:=simplify(c);                          \\c1:=16
10.> a:=(sqrt(192)-sqrt(108)+sqrt(243)/3);\\a:=5√3  (99-6-36)
```

§1.5.Сонлар устида баъзи бир амаллар.

Maple да сонлардан янги сонлар ҳосил қиладиган амаллар мавжуд.

Ҳақиқий сонлар устида қуйидаги амаллар мавжуд:

frac(expr)- expr ифоданинг каср қисмини ҳисоблаш,
trunc(expr)- expr ифоданинг бутун қисмини ҳисоблаш,
round(expr)- expr ифодани яхлитлаш.

Комплекс сонлар z=x+iy устида қуйидаги амаллар мавжуд:

Re(z)- z –сонининг ҳақиқий қисмини ҳисоблаш,
Im(z)-z- сонининг мавҳум қисмини ҳисоблаш,
conjugate(z)-z – сонининг қўшмаси ҳисоблаш,
polar(z)-z – сонининг тригонометрик кўринишини ҳисоблаш
evalc(Re(z)), evalc(Im(z)), -z – соннинг ҳақиқий ва мавҳум қисмини ҳисоблаш.

Топширик 1.5.

1. a=57/13 сон берилган. Унинг бутун x ва y каср қисмини топинг. x+y=a эканлигини текшириб кўринг.

>a=57/13; \\ 57/13

>x:=trunc(a);

\\ 4

>y:=frac(a); \\ $\frac{5}{13}$

>x+y; \\ $\frac{57}{13}$

2. $z = \frac{2-3i}{1+4i} + i^6$ комплекс сон берилган. Унинг ҳақиқий , мавҳум ва комплекс қўшмаси w ни топинг ва $w + z = 2\mathrm{Re}(z)$ эканлигини текширинг.

>z:=(2-3*I)/(1+4*I)+I^6:

>Re(z); Im(z); \\ $-\frac{27}{17}$

\\ $-\frac{11}{17}$

>w:=conjugate(z); \\ $w := -\frac{27}{17} - \frac{11}{17}I$

>z+w; \\ $-\frac{54}{17}$

3. $z = -1 - i\sqrt{3}$ комплекс сон берилган. Унинг модули, аргументини ҳисобланг ва z^4 ни топинг.

>z:=-1-I*sqrt(3):

>readlib(polar):polar(z); \\ $polar(2, -\frac{2}{3}\pi)$

>evalc(z^4);

§1.6.Maple да функцияларни аниқлаш.

Функциялар Maple да 4 хил усулда берилади:1) := қиймат бериш оператори ёрдамида;2) f:=(x1,x2,…) - >f(x1,x2,…) функционал оператор ёрдамида;

3)unapply(expr,x1,x2,…) командаси ёрдамида; 4)piceewise(s1,f1,s2,f2,…) командаси ёрдамида.

Мисоллар.1.

>f:=sin(x)+cos(x); \\   f:=sin(x)+cos(x)

>x:=π; \\ $x := \frac{\pi}{4}$

>f; \\ $\sqrt{2}$

Maple да барча ҳисоблашлар символлли кўринишда олиб борилади, яъни натижада илдизлар, иррационал константалар e, π ва ҳоказолар иштирок этади. Натижани ўнли кўринишда олиш учун evalf(f, ε) командаси ишлатилади, бу ерда f-қиймати ҳисобланаётган ифода, ε-аниқлик.
Мисоллар.2. $f = xe^{-t}$ ифодани x=2, t=1 даги қиймати қуйидагича ҳисобланади:
>f:=x*exp(-t):
>evalf(f,0.0000000001); \\0.735788824
Мисол 3. >f:=(x,y)->sin(x+y); \\f:=sin(x+y)
>f(π/2,0); \\1
Мисол 3. >f:=unapply(x^2+y^2,x,y); $\backslash\backslash f := (x,y)\text{-}> x^2 + y^2$
>f(7,5); \\74
Мисол 4. Maple да

$$f(x) = \begin{cases} f_1(x), x < a_1 \\ f_2(x), a_1 < x < a_2 \\ .... \\ f_n(x), x > a_n \end{cases}$$

каби функциялар қуйидаги команда орқали берилади:
>piecewise(x<a1,f1,a1<x<a2,f2,…,x>an,f2);
Масалан,

$$f(x) = \begin{cases} 0, \ x < 0 \\ x, \ 0 \le -x \ and \quad x-1 < 0 \\ .\sin(x), x \ge 1 \end{cases}$$

функция қуйидагича берилади:
>f:=piecewise(x<0,0,0<=x and x<1,x, x>=1, sin(x);

Топшириқлар 1.6.

1. $f = \sqrt{1 - x^2 - y^2}$ функцияни аниқланг ва қутб координаталар системаси $x = \rho\cos\varphi, y = \rho\sin\varphi$ га ўтинг. Ҳосил бўлган ифодани соддалаштиринг:
>f:=sqrt(1-x^2-y^2); $\backslash\backslash\ f = \sqrt{1 - x^2 - y^2}$
>f:=subs({x=rho*cos(phi),y=rho*sin(phi)},f); $\backslash\backslash\ f = \sqrt{1 - \rho^2\cos(\varphi)^2 - \rho^2\sin(\varphi)^2}$
>f:=simplify(%); $\backslash\backslash\ f = \sqrt{1 - \rho^2}$

2. $f(x) = \begin{cases} x, \ x < -1 \\ -x^2, \ -1 - x \le 0 \ and \quad x - 1 < 0 \\ -x, \ x \ge 1 \end{cases}$ функцияни тузиб ва унга x ни қўшинг.

>f:= piecewise(x<-1, x, -1<x and x<1, -x^2, x>=1,-x);
>%+x: simplify(%);
Натижа қуйидагича бўлиши керак: f(x)+x .
3. $p = x^3 + 4x^2 + 2x - 4$ кўпҳадни кўпайтувчиларга ажратинг.
>factor(x^3+4*x^2+2*x-4); $\backslash\backslash(x+2)(x^2+2x+2)$

4.Ифодани соддалаштиринг $\frac{1+\sin 2x+\cos 2x}{1+\sin 2x-\cos 2x}$.

```
>f:=(1+sin(2*x)+cos(2*x))/(1+sin(2*x)-cos(2*x)):
>convert(f,tan);
>f=normal(%);
```

\\ $\frac{1+\sin 2x+\cos 2x}{1+\sin 2x-\cos 2x}=\frac{1}{\tan(x)}$

5.Ифодани соддалаштиринг $3(\sin^4 x+\cos^4 x)-2(\sin^6 x+\cos^6 x)$.

```
>g:=3*(sin(x)^4+cos(x)^4)- 2*(sin(x)^6+cos(x)^6):
>g:=combine(g,trig);
```

\\ $3\sin(x)^4+3\cos(x)^4-2\sin(x)^6+\cos(x)^6=1$

6. Ифодани соддалаштиринг(97-3-54) $\frac{\sin 56\sin 124-\sin 34\cos 236}{\cos 28\cos 88+\cos 178\sin 208}$

```
> a:=(sin(56)*sin(124)-
sin(34)*cos(236))/(cos(28)*sin(88)+sin(178)*cos(242));
```

$$a := \frac{\sin(56)\sin(124) - \sin(34)\cos(236)}{\cos(28)\sin(88) + \sin(178)\cos(242)}$$

```
> a1:=evalf(a);
```

\\a1=-1.113543764

7. Ифодани соддалаштиринг(96-1-57) $\frac{\cos(\alpha+\beta)+2\sin\alpha\sin\beta}{\sin(\alpha+\beta)-2\sin\alpha\cos\beta}$

```
> b:=(cos(alpha+beta)+2*sin(alpha)*sin(beta))/(sin(alpha+beta)-
2*cos(beta)*sin(alpha));
```

$$b := \frac{\cos(a+b)+2\sin(a)\sin(b)}{\sin(a+b)-2\cos(b)\sin(a)}$$

```
> combine(%);
```

\\ctg$(-\alpha+\beta)$

8. Ифодани соддалаштиринг(967-10-54) $\frac{\cos 18\cos 28+\cos 108\sin 208}{\sin 18\sin 78+\sin 108\sin 1688}$

9. Ифодани соддалаштиринг(01-11-24) $\frac{\sin\alpha+\cos\beta}{\sqrt{2}\cos(\pi/4-\alpha)}$

10. `> b:=1/(3-sqrt(8))-2*sqrt(2)+6:simplify(b);` \\9 (96-6-50)

1.7. Топшириқлар ва саволлар

1. Ҳисобланг: $(-1+i)^5$.
2. Ҳисобланг: $e^{i\pi/2}$.

3.Аниқ қийматни ҳисобланг: $arctg3-\arcsin\frac{\sqrt{5}}{5}$.

4.Формулани ёзинг: $\omega(k)=\alpha k^2+\beta k^4$.

5. $p=x^3-4x^2+5x-2$ кўпҳадни кўпайтувчиларга ажратинг.

6. Ифодани соддалаштиринг: $\sin^2 3x-\sin^2 2x-\sin 5x\sin x$

```
> c:=(sin(3*x))^2-(sin(2*x))^2-sin(5*x)*sin(x):simplify(c);\\0
```

7. `> e:=(3-sqrt(5))/(3+sqrt(5))+(3+sqrt(5))/(3-sqrt(5));`

$$e := \frac{3-\sqrt{5}}{3+\sqrt{5}} + \frac{3+\sqrt{5}}{3-\sqrt{5}}$$

```
> simplify(e);
```

\\7 (96-7-24)

```
8. > a:=(sin(3*Pi/2-
2*alpha)+cos(Pi/2+alpha)*sin(alpha))/(sin(3*Pi/2+alpha));
```

$$a := -\frac{-\cos(2\,\alpha) - \sin(\alpha)^2}{\cos(\alpha)}$$

```
> simplify(a);
```

\\cos(alpha) (05-120-23)

Саволлар

1. Maple нима ва у нима мақсадда ишлатилади?
2. Maple ойнасининг асосий элементларини баён этинг.
3. Maple ойнасининг қисмларини ва уларнинг вазифаларини тушунтиринг.
4.Команда сатридан матнли сатрга ва тескарисига қандай ўтилади.?
5. Maple билан ишлаш сеанси қандай режимда бажарилади.?
6. Maple менюсининг асосий аунктларини айтинг.
7. Maple даги файлига қандай кенгайтма берилади.?
8. Maple да қандай асосий математик константалар мавжуд.?
9. Maple да рационал сонлар қандай кўринишларда тасвирланади.?
10. Maple да рационал соннинг тақрибий қиймати қандай ҳосил қилинади.?
11. Maple да командалар қандай символлар билан тугалланади?
12.Қисм программалар библиотекасидан командалар қандай чақирилади?
13.factor, expand, normal, simplify, combine, convert, radnormal командаларни маъноси .?

II. Maple да графиклар ясаш.

N	Командалар	Графиги чизиладиган функция
1	plot(f(x),x=a..b, y=c..d, parametrs)	f(x),x=a..b, y=c..d
2	plot([y=y(t),x=x(t),t=a..b], parametrs)	y=y(t),x=x(t),t=a..b
3	implicitplot(F(x,y)=0, x=x1..x2, y=y1..y2)	F(x,y)=0, x=x1..x2, y=y1..y2
4	implicitplot(F(x,y)=0,G(x,y)=0, x=x1..x2, y=y1..y2)	F(x,y)=0,G(x,y)=0, x=x1..x2, y=y1..y2)
5	inequals({f1(x,y)>c1,…,fn(x,y)>cn}, x=x1…x2, y=y1..y2, options).	f1(x,y)>c1,…,fn(x,y)>cn
6	plot3d(f(x,y), x=x1…x2, y=y1…y2, options)	f(x,y), x=x1…x2, y=y1…y2
7	plot3d([x(u,v), y(u,v), z(u,v)], u=u1..u2, v=v1..v2)	x(u,v), y(u,v), z(u,v), u=u1..u2, v=v1..v2
8	implicitplot3d(F(x,y,z)=c, x=x1..x2, y=y1..y2, z=z1..z2);	F(x,y,z)=c, x=x1..x2, y=y1..y2, z=z1..z2
9	spacecurve([x(t),y(t),z(t)],t=t1..t2)	x(t),y(t),z(t)],t=t1..t2
10	animate ,animate3d	Анимация яратиш

§2.1.Икки ўлчовли графиклар

Maple да ошкор, параметрик, ошкормас кўринишда берилган бир ва икки ўзгарувчили функцияларнинг графиклари ниҳоятда чиройли чизиш мумкин. f(x) ошкорфункцияни Ох ўқининг $a \le x \le b$ кесмасида ва Оу ўқининг $c \le y \le d$ кесмасида графигини чизиш учун plot(f(x),x=a..b, y=c..d, parametrs) командаси ишлатилади, бу ерда parametrs-тасвирни бошқариш учун ишлатиладиган параметрлар. Улар қуйидагилардан иборат:

№	параметр	маъноси
1	title="text"	Тасвирга ном бериш, ном лотинча бўлса пробелсиз
2	coords=polar	Қутб координатларига ўтиш, ёзилмаса декарт к.с.
3	axes=NORMAL axes=BOXED axes=FRAME axes=NONE	-оддий ўқлар \\ Координата ўқларини бериш -шкалали ўқлар -ўқларнинг боши қуйи чап бурчакда -ўқлар йўқ
4	asaling=CONSTRINED asaling=UNCONSTRINED	-ўқларга бир хил масштаб бериш - ўқлар масштаби ойна ўлчамига мос
5	style=LINE style=POINT	-чизиқлар билан чиқариш -нуқталар билан чивариш
6	numpoints=n (n=49 берилмаса)	-ҳисобланадиган нуқталар сони
7	color=ранг номи (yellow,...)	-чизиқларга ранг бериш
8	xticmarks=nx, yticmarks=ny	Ох ва Оу ўқларда нуқталар сонини бериш
9	thickness=n, n=1,2,…	-чизиқ қалинлигини бериш
10	linestyle=n (n=1-узлуксиз)	-чизиқ типини бериш, узлуксиз, пунктир
11	symbol=s (BOX, CROSS, CIRCLE, POINT, DIAMOND)	- нуқтани берадиган символ типини бериш
12	font=[f,style, size]	матн шрифти типини бериш, f-шрифт номи: TIMES, COURIER, HELVITICA, SYMBOL; style- шрифт стили: BOLD, ITALIC, UNDERLINE; size-шрифт ўлчами
13	Labels=[tx,ty]	Ох га tx, Оу га ty деб ёзишга рухсат бериш
14	discont=true	Чексиз узилишларни тасвирлашга рухсат бериш

Plot командаси ёрдамида y=f(x) функция параметрик кўринишда x=x(t),y=y(t) берилса ҳам графигини чизиш мумкин:
plot([y=y(t),x=x(t),t=a..b], parametrs).

Топширик 2.1.1.

1. $y = \sin x / x$ функция графиги -4π , 4π ораликда чизилсин.
>plot(sin(x)/x, x=-4*Pi..4*Pi, labels=[x,y], labelfont=[TIMES, ITALIC, 12]);



2. $y = x/(x^2 - 1)$ функция графиги чизилсин.
> plot(x/(x^2-1),x=-3..3,y=-3..3,color=magenta);



3. $x = \sin 2t, y = \cos 3t$
> plot([sin(2*t),cos(3*t),t=0..2*Pi], axes=BOXED, color=blue);



4. $\rho = 1 + \cos\varphi$ функция графиги чизилсин.
> plot(1+cos(x), x=0..2*Pi, title="Cardioida", coords=polar, color=coral, thickness=2);
5. $y = \ln(3x-1)$ $y = 3x/2 - \ln 2$ функция графиги чизилсин.
> plot([ln(3*x-1), 3*x/2-ln(2)], x=0..6, scaling=CONSTRAINED, color=[violet,gold], linestyle=[1,2], thickness=[3,2]);

Ошкормас кўринишда берилган функция графигини чизиш

$F(x, y) = 0$ ошкормас кўринишда берилган функция графигини чизиш учун plots пакетидан impliciplot командаси ишлатилади:
>implicitplot(F(x,y)=0, x=x1..x2, y=y1..y2).

Тасвирга коментарийлар бериш

plots пакетида textplot([xo,yo,'text'], options) командаси ёрдамида тасвирда xo,yo координатали нуқтадан бошлаб 'text' коментарийсини чиқарилади.

Битта тасвирда бир неча графикни чиқариш

Баъзан битта графикда бир неча график объектларни жойлаштириш зарур бўлади. Масалан,

```
>  e:={x^2+y^2-10=0,x*y^3-y-4=0}:
 with(plots):implicitplot(e,x=-10..10,y=-10..10);
```



Бундай графиклар чизиш тенгламалар системасини ечишда керак бўлади.

Яна plot командаси билан чизилган графикка textplot командаси билан яратилган ёзувни қўшиш керак бўлсин. У ҳолда командаларнинг натижалари ўзгрувчиларга берилади, сўнг plots пакетининг командаси display орқали экранга чиқарилади:

```
>p:=plot(…): t:=textplot(…):
> with(plots): display([p,t], options);
```

Тенгсизликлар билан берилган соҳани чизиш

$f_1(x,y)>c_1,\ f_2(x,y)>c_2,...,\ f_n(x,y)>c_n$ теншсизликлар билан берилган соҳани чизиш учун plots пакетидан inequal командасини ишлатиш керак:

inequals({f1(x,y)>c1,…,fn(x,y)>cn}, x=x1…x2, y=y1..y2, options).

– optionsfeasible=(color=red) – ички соҳага ранг бериш;

– optionsexcluded=(color=yellow) – ташқи соҳага ранг бериш;

– optionsopen(color=blue, thickness=2) – соҳанинг очиқ чегарасини чизиғи учун ранг ва чизиқ қалинлигини бериш;

--optionsclosed(color=green,thickness=3) – соҳанинг ёпиқ чегарасини чизиғи учун ранг ва чизиқ қалинлигини бериш;

Топшириқ 2.1.2.

1. $\frac{x}{4}-\frac{y^2}{2}=16$ гипербола чизилсин.

```
> with(plots):
> implicitplot(x^2/4-y^2/2=16, x=-20..20,   y=-16..16,
color=green, thickness=2);
```

2. Астроида $x=4\cos^3 t, y=2\sin^3 t, 0\le t\le 2\pi,$ ва $\frac{x}{16}+\frac{y^2}{4}=1$ эллипс битта графикда чизилсин. Чизмаларга Astroida ва Ellips деб номлар берилсин.

```
> with(plots):
> eq:=x^2/16+y^2/4=1:
>  el:=implicitplot(eq, x=-4..4, y=-2..2,
scaling=CONSTRAINED, color=green, thickness=3):
> as:=plot([4*cos(t)^3,2*sin(t)^3, t=0..2*Pi],
color=blue, scaling=CONSTRAINED, thickness=2):
> eq1:=convert(eq,string):
> t1:=textplot([1.5,2.5,eq1], font=[TIMES,  ITALIC, 10], align=RIGHT):
> t2:=textplot([0.2,2.5,"Ellips:"], font=[TIMES,   BOLD,10], align=RIGHT):
> t3:=textplot([1.8,0.4,Astroida], font=[TIMES,  BOLD,10], align=LEFT):
> display([as,el,t1,t2,t3]);
```

3. x+y>0, x-y<=1, y=2 соҳа чизилсин.

```
>  with(plots):
 inequal({x+y>0, x-y<=1, y=2}, x=-3..3, y=-3..3,
optionsfeasible=(color=red),
optionsopen=(color=blue,thickness=2),
optionsclosed=(color=green, thickness=3),
optionsexcluded=(color=yellow) );
```



§2.2. Сиртни чизиш.Ошкор кўринишда берилган сиртни чизиш

z=f(x,y) ошкор кўринишда берилган сиртни чизиш учун plot3d(f(x,y), x=x1…x2, y=y1…y2, options) командаси ишлатилади. Параметрларнинг маънолари қуйидагича:

№	Параметр номи	Маъноси
1	x=x1…x2, y=y1…y2	график чизилаётган соҳа
2	light=[angl1, angl2, c1, c2, c3]	(angl1, angl2)-нуқтанинг сферик координаталари, бу нуқтадан ранглари (c1, c2, c3) га тенг бўлган ёруғлик нури товланади
3	style=opt	чизманинг стилини беради, POINT –нуқта учун, LINE – чизиқ учун, HIDDEN – чизиқлари ўчирилган тўр учун, PATCH – тўлдирувчи, WIREFRAME – чизиқлари кўринмас тўрни чиқариш, CONTOUR – Сиртнинг ўзгармас қийматлари соҳаси, PATCHCONTOUR –тўлдирувчи ва Сиртнинг ўзгармас қийматлари соҳасини бериш.
4	shading=opt	тўлдирувчининг интенсивлик функциясини беради, унинг қиймати одатда xyz га тенг
5	NONE	бўялмаган сиртни бериш

Параметрли кўринишда берилган сиртни чизиш

Параметрли x=x(u,v), y=y(u,v), z=z(u,v) кўринишда берилган сиртни чизиш учун қуйидаги команда мавжуд:
plot3d([x(u,v), y(u,v), z(u,v)], u=u1..u2, v=v1..v2);

Ошкормас кўринишда берилган сиртни чизиш

Ошкормас F(x,y,z)=c кўринишда берилган сиртни чизиш учун plot пакетига қарашли қуйидаги команда мавжуд:
implicitplot3d(F(x,y,z)=c, x=x1..x2, y=y1..y2, z=z1..z2);

Фазовий чизиқларни чизиш

Фазовий x=x(t), y-y(t), z-z(t), t1<= t<=t2, чизиқларни чизиш учун plot пакетига қарашли қуйидаги команда мавжуд:
> spacecurve([x(t),y(t),z(t)],t=t1..t2);

Анимация

Maple да animate (икки ўлчовли) animate3d (уч ўлчовли) командалари ёрдамида тасвирларни ҳаракатлантириш мумкин. Анимацияни яратиш командаларнинг контекст менюлари орқали амалга оширилади.

Топширик 2.2.

1. $z = x\sin 2y + y\cos 3x,\ z = \sqrt{x^2 + y^2 - 7}$, $(x,y) \in [\pi,\pi]$ сиртлар графиклари чизинг.
> plot3d({x*sin(2*y)+y*cos(3*x), sqrt(x^2+y^2)-7},
x=-Pi..Pi, y=-Pi..Pi, grid=[30,30], axes=FRAMED,
color=x+y);

2. $z = \frac{1}{x^2 + y^2} + \frac{0.2}{(x+1.2)^2 + (y-1.5)^2} + \frac{0.3}{(x-0.9)^2 + (y+1.1)^2}$ сиртнинг графиги ўзгармас қийматли чизиқлари билан тасвирлрнсин.
> plot3d(1/(x^2+y^2)+0.2/((x+1.2)^2+(y-1.5)^2)+
0.3/((x-0.9)^2+(y+1.1)^2), x=-2..2, y=-2..2.5,
view=[-2..2, -2..2.5, 0..6], grid=[60,60],
shading=NONE, light=[100,30,1,1,1], axes=NONE,
orientation=[65,20], style=PATCHCONTOUR);

3. Атомнинг электрон булут формаси чизилсин. Электрон булут формаси икки параметр билан аниқланади: l-орбита типи, m-электроннинг магнит моменти. m=0 да электрон булут 1-тур Лежандр кўпҳади

$P(x) = \frac{1}{2^n n!}\frac{d^n}{dx^n}(x^2 - 1)^n$ билан аниқланади. Параметрли ҳолда берилган сирт графигини ясаш керак:

$Y(\varphi) = \left|\sqrt{\frac{2l+1}{4\pi}}\,P(\cos(\varphi))\right|$,

$x(\theta,\varphi) = Y(\varphi)\sin\varphi\cos\varphi,\ y(\theta,\varphi) = Y(\varphi)\sin\varphi\cos\theta,\ z(\theta,\varphi) = Y(\varphi)\cos\varphi$.

Аввалига l:=3 деб олиш керак.
> l:=3:
> P:=(x,n)->1/(2^n*n!)*diff((x^2-1)^n,x$n);
>Y:=(phi)->abs(sqrt((2*l+1)/(4*Pi))*
subs(x=cos(phi),P(x,l)));
> X0:=Y(phi)*sin(phi)*cos(theta);
> Y0:=Y(phi)*sin(phi)*sin(theta);
> Z0:=Y(phi)*cos(phi);
> plot3d([X0,Y0,Z0],phi=0..Pi,theta=0..2*Pi,
scaling=CONSTRAINED, title="Электронное облако");

4. $x^2 + y^2 + z^2 = 4$ сирт графиги чизилсин.
> with(plots): implicitplot3d(x^2+y^2+z^2=4,
x=-2..2, y=-2..2, z=-2..2, scaling=CONSTRAINED);

5. x=sin(t), y=cos(t), z=exp(t) чизиқ ясалсин.
> with(plots):
> spacecurve([sin(t),cos(t),exp(t)], t=1..5,
color=blue, thickness=2, axes=BOXED);

6. Ҳаракатланаётган объект чизилсин.
> animate3d(cos(t*x)*sin(t*y), x=-Pi..Pi, y=-Pi..Pi, t=1..2);

Сўнг, Animation>Continuous командасидан фойдаланилсин.

2.3.Графикларни интерактив усулда чизиш

Tools>Assistants>Curve Fitting командасини берсак ушбу дарча чиқади:



Функция қийматлари жадвали ва уни интерполяцилаш усулини берамиз:



2.4. Топшириқлар

1. Биринчи тур Бессель функцияси J(n,x) графиги -20<x<20 оралиқда чизилсин, n=0,1,…6. Функция BesselJ(n,x) команда билан чақирилади.
3. Битта расмда y=x+2arcctg(x) чизиқ, ассимптоталари y=x, y=x+2π чизилсин.
4. Мёбиус сирти чизилсин;

$x=(5+u\cos(v/2))\cos v, y=(5+u\cos(v/2))\sin v, z=u\sin(v/2), v\in[0,2\pi], u\in[-1,1]$.

Саволлар

1. Текисликда ва фазода графиклар қандай командалар орқали чизилади.
2. Қўшимча график пакет қандай номланади.
3.Ошкормас функция графиги қандай команда билан чизилади.
4. display, animate, animate3d командалари вазифаси нима.
5. Тенгсизликлар билан берилган соҳа қанда чизилади.
6. Фазовий чизиқ қандай команда билан чизилади.

III. Сонли тенглама ва тенгсизликларни ечиш.

N	команда	команда маъноси
1	`roots(Pn(x))`	`Pn(x)=0 кўпҳадли тенглама`
2	solve(eq,x)	eq(x)=0 , универсал команда
3	solve({eq1, eq2,…},{x1, x2,…})	$eq_i(x_1,..,x_n)=0, i=1,\dots,n$, тенг-р системаси
4	fsolve(eq,x)	eq(x)=0 тенгламани тақрибий ечими
5	rsolve(eq,x)	eq(x)=0 реккурент тенгламани ечими
6	fsolve({eq1, eq2,…},{x1, x2,…})	$eq_i(x_1,..,x_n)=0, i=1,\dots,n$, т.с. такр-й ечиш
7	_EnvAllSolution:=true : solve(eq,{x})	eq(x)=0 ,тригонометрик тенглама барча ечими
8	_EnvExplicit:=true : solve(eq,{x,y,z})	$eq_i(x_1,..,x_n)=0, i=1,\dots,n$,транцендент тенг-р

§3.1.Сонли тенгламаларни ечиш

Maple да тенгламаларни ечиш учун универсал команда мавжуд: solve(eq,x), бу ерда eq-тенглама, x-тенглама ечилиши лозим бўлган ўзгарувчи, fsolve(eq,x)- eq-тенгламани x га нисбатан тақрибий ечади.

Кўпҳадлар учун **`roots(Pn(x))`** команда мавжуд,жавоб [[r1,m1],…,[rn,mn]] кўринишда чиқади, бу ерда ri-илдиз,mi-унинг карраси. solve(eq,x) командаси тенгламанинг барча ечимларини топади. **`r:=solve`**(eq,x) командаси r векторга илдизларнинг қийматларини беради.

Мисол 1.

```
> p:=2*x^3+11*x^2+12*x-9:roots(p);    \\[[0.5],[-3,2]]
> solve(p=0,{x});\\{x=1/2},{x=-3},{ x=-3}
> r:=solve(p=0,{x});r:= {x=1/2},{x=-3},{ x=-3}
> plot(p,x=-4..4,labels=[x,y],labelfont=[TIMES,ITALIC,12]);
```



Сонли тенгламаларнинг системаларини ечиш.

Тенгламалар системаси ушбу командалар

solve({eq1, eq2,…},{x1, x2,…}), fsolve({eq1, eq2,…},{x1, x2,…}) билан ечилади, бу ерда биринчи фигурали қавсларда тенгламалар рўйхати, иккинчи фигурали қавсларда ўзгарувчилар рўйхати берилган. Агар кейинчалик, ечимлар устида бирор амаллар бажариш керак бўлса solve командасига бирор ном name бериш керак, сўнг номни қабул қилиш учун assign(name) командасини бериш керак. Шундан сўнг ечимлар устида ихтиёрий мумкин бўлган амалларни бажариш мумкин.

Биз қуйида 2 бобда ўтиладиган график чизиш операторлари

```
plot(p,x=-4..4,labels=[x,y],labelfont=[TIMES,ITALIC,12]);
with(plots):implicitplot(e,x=-10..10,y=-10..10);
```

дан кўргазмалилик учун фойдаландик.

Мисол. 1. Чизиқли тенгламалар системасини ечиш.

```
> s1:={2*x+y=6,x+2*y=6}:solve(s1,{x,y});     \\{y=2,x=2}
> with(plots):implicitplot(s1,x=-10..10,y=-10..10);
```



Мисол 2 .Тенгламалар системасини ечиш. $\{x^3 - y^2 - 1 = 0, xy^3 y - 4 = 0\}$.

```
> e:={x^3-y^2-1=0,x*y^3-y-4=0};   \\{x^3 - y^2 - 1 = 0, xy^3 y - 4 = 0}
> s:=fsolve(e,{x,y});       \\ s={x=1.502039049,y=1.545568601}
> with(plots):implicitplot(e,x=-10..10,y=-10..10);
```



Мисол 3. Чизиқли тенгламалар системасини ечиш.

```
> s1:={z=3,x-z=0,x+y+2*z=12}:solve(s1,{x,y,z});\\{z=3,x=3,y=3}
> display(implicitplot3d(s1,x=-10..10,y=-10..10,z=-10..10));
```



Мисол 4. f(x)=exp(x)-10x-2=0 тенгламани ечиш.

```
> fsolve( exp(x)-10*x-2,x );
```

-0.1104575676

```
> plot({ exp(x),10*x+2},x=-4..4,y=-4..4,colour=[green,red]);
```



Мисол 5. Кўпҳадли тенгламани ечиш.

```
> eq := x^5-7*x^3+4*x^2-5=0;   \\
```

$x^5 - 7x^3 + 4x^2 - 5 = 0$

```
